

МУСТАҚИЛЛИК БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

Эурсен шоҳ, агар огоҳсен сен, Агар огоҳсен сен, шоҳсен сен



Жабабар

Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги нашри

1992 йил мартдан чиқа бошлаган

● 2000 йил, 1 сентябрь, жума № 34-35 (417-418)

Сотувда нархи эркин

МУКОФОТЛАР МУБОРАК!

Республикамиз мустақиллигининг 9 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида кўра юртдошларимиздан бир гуруҳи Ватанимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланди. Газетамизнинг тахририят аъзоси **Шухрат ЖАББОР** «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист», Тошкент электротехника алоқа институти профессор, техника фанлари доктори **Валерий Константинович СОКОЛОВ** «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси» faxрий унвонлари, «Тошкент почта» хиссадорлик жамияти почтачиси **Абдуқодирхўжа ЖАБОРОВ** «Меҳнат шухрати», Қорақалпоғистон

Республикаси ДЭАИЧК Беруний тумани алоқа боғламаси хисобчиси **Людмила Юрьевна ДУБИНИНА**, «Сирдарё почтаси» хиссадорлик жамияти Янгиер шаҳар бўлимига қарашли 3-алоқа бўлими бошлиғи **Людмила Михайловна КАФАНОВА**лар «Дўстлик» орденилари, «Андижон Телеком» хиссадорлик жамияти Андижон шаҳар шохбонаси телеграфисти **Машрабхон АСРАНОВА**, Қорақалпоғистон Республикаси ДЭАИЧК Мўйноқ тумани электралоқа корхонаси бош алоқачиси **Роза Картабоевна ЖУМАБЕКОВА**, Тошкент телеграф-телефон станцияси бошлиғи **Марат Зоҳидович ЗОҲИДОВ**, «Жиззах Телеком» шўба корхонаси Зарбдор ту-

мани филиали алоқачиси **Саним Жусуповна ИЗБАСКАНОВА**, «Наманган Телеком» хиссадорлик жамияти Наманган шаҳар телекоммуникация тармоғи филиали катта алоқачиси **Нигора Турсунжоновна МАНСУРОВА**, «КОСКОМ» Ўзбекистон-Америка қўшма корхонаси бош директори **Алексей Борисевич СТЕПАНОВ**, «Қашқадарё почтаси» хиссадорлик жамияти Қарши шаҳар почта филиали 17-алоқа бўлими оператори **Зулайхо Исановна ҚАЮМОВА**, «Самарқанд Телеком» шўба корхонаси Самарқанд шаҳар телефон станцияси филиали ассистенти **Тоҳир Носирович КОБИЛОВ**лар «ШУХРАТ» медаллари билан мукофотланди. Совриндорларни чин дилдан кутлаймиз.



ЯНГИ ЗАФАРЛАР ТИЛАЙМАН!

Тўққиз йил тарих учун катта мuddат эмас. Утган бу даврда Мустақил давлатимизда иқтисодни ривожлантириш, аҳоли турмуш тарзини яхшилаш йўлида қатор ишлар амалга оширилди.

Республикамиздаги барча алоқа корхоналари меҳнат жамоалари Мустақилликнинг тўққиз йиллигини пухта тайёргарлик, кўтаринки кайфият билан кутиб олишмоқда.

Ўзбекистон алоқа корхоналари жамоалари телекоммуникация тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш, почта алоқаси фаолиятининг молиявий ишлаб чиқариш асо-

сини мустаҳкамлаш, қурилиш ва саноат ишлаб чиқариш мажмуини ривожлантириш борасида самарали изланмоқдалар.

Йил бошидан буён ўтган давр ичида барча ишлаб чиқариш кўрсаткичлари муваффақиятли бажарилиди, хизмат, фойда ва даромадлар ҳажмининг сезиларли даражада ошишига эришилди.

Президентимиз жорий йилни «Соғлом авлод йили» деб эълон қилди. Агентликда ушбу муносабат билан ҳам режалар ишлаб чиқилган. Жойларда спорт мусобақалари ва бошқа тадбирлар ўтказилляпти.

Ўзбекистон почта ва теле-

коммуникациялар агентлиги Ҳайъати номидан ва шахсан ўз номидан барча алоқа ходимларини умумхалқ байрами — Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг тўққиз йиллиги билан самимий табриклайман. Барчангизга мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат, Ватанимизнинг гуллаб-яшнаши, халқимизнинг фаровонлиги йўлидаги хайрли ишларингизда янгидан-янги муваффақиятлар тилайман! Омад ҳамиша ҳамроҳингиз бўлсин.

Фатхулла АБДУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги Бош директори

ҲАЙЪАТ ЙИҒИЛИШИДА

жорий йил агентликка қарашли корхона ва ташкилотларнинг ёнгида қарши ҳолати текшириб чиқилганини, текширувлар жараёнида айрим корхоналарда ёнгининг олдини олиш борасида бир қатор ижобий ишлар амалга оширилганини, бироқ шунга қарамай қўлгина жойларда талайгина камчиликлар ҳам борлигини айтиб ўтди. Иккинчи масала буйича маърузачи фикр юритиб, шундай деди: Агентлик раҳбарияти, акциядорлик компаниялари, корхоналар раҳбарларининг ижро интизоми ва иш юритишга эътиборни қўйишга қаратилган натижада ижобий ўзгаришларга эришилди. Жумладан, агентликда жорий йилнинг 1 январь нazorатидаги ҳужжатларнинг 22 та банди бажарилмаган бўлса, 1 июлга келиб бажарилмаган ҳужжатлар қолмади. Бироқ ҳужжатларни кеңйтириш ҳолатлари ҳамон давом этмоқда.

«Ўзбекистон почтаси» давлат акциядорлик компанияси корхоналарида пул

маблагларининг сақланиши ҳолати тўғрисида» компания бош директори К. Раҳимов маъруза қилди.

Маърузачи компания томонидан нафақачиларнинг пенсия тулови доимо назоратда эканлигини, бироқ шунга қарамай айрим жойларда камчиликларга йўл қўйилаётганлигини, бу ҳусусда муаммолар борлигини айтиб ўтди.

«Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги ва Республика алоқа ходимлари касаба уюшмаси марказий кўмитаси уртасидаги битимнинг 2000 йил, биринчи ярим йилликда бажарилиши тўғрисида» Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмаси марказий кўмитаси расиси Т. Назаржонов маълумот берди.

Ҳайъатда қўрилган барча масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

И. АҲМЕДОВ

ЎЗБЕКИСТОН

Бу ўлканинг тупроғида олтин гуллайди,
Ҳар гиёҳи муҳаббатдан дoston сўйлайди,
Аждодлари самолардан мағрур бўйлайди,
Темур бобом кўксидagi буюк иймон — бу
Келажаги кулаётган Ўзбекистон — бу.

Боболарим изларидан кўқарган Ватан,
Неча қиргин жанглар аро таланди гарчанд,
Ҳатто қаттол рақиблари бера олган тан,
Темур бобом кўксидagi буюк иймон — бу
Келажаги кулаётган Ўзбекистон — бу.

Эзгуликнинг уруғидан кўқарар боғи,
Юрагини бағишлаган ҳар бир Широғи,
Ёнаверар диллар ичра бахтнинг чироғи,
Темур бобом кўксидagi буюк иймон — бу
Келажаги кулаётган Ўзбекистон — бу.

Бу дийрнинг оғушида афсоналар бор,
Афсоналар ичра Маҳнун оворалар бор,
Ватан битта, гарчи кўплаб остоналар бор,
Темур бобом кўксидagi буюк иймон — бу
Келажаги кулаётган Ўзбекистон — бу.

Дилмурод КОСИМ

ОЗОДЛИК ДИЛИМИЗНИ НУРАФШОН ЭТДИ

Халқимиз асрлар давомида озодликка интилиб яшади. Узига ёруғ йул топди. Даврларнинг туфонию буронларига бардош бериб, дилидаги эзгу туйғуларни омон сақлади.

Бугун, Оллоҳга беадад шуқлар бўлсинки, одамларимиз мустақил суз айта олади. Истиқлол тилимизга, динимизга булган эътиқодни қайтариб берди. Тўққиз йил тарих зарварақларида қисқа фурсат булсада, неча ун йилларга арзигулик ишларни қилиб улгурдик. Озодлик барчамизнинг дилимизни нурафшон, тилимизни бийрон этди. Ҳатто олис қишлоқдаги деҳқону чўпон ҳам эмин-эркин мушоҳада қила олади. Чунки, барчамизнинг тафаккуримиз янгиланди. Гафлат уйқусидан уйғондик.

Истиқлол йиллари ўзбек ҳам яратиш,

яшнатиш имконига эга бўлди. Миллат сифатида инсоният тарихи ибтидоси билан тенгдош эканлигимиз, дунёга беқийс тафаккур ва маданият олиб кирган халқ булганлигимиз такрор далилланди.

Турги, бизнинг олдимизга қўйган мақсадларимиз кўп. Аммо мен эришган ушбу муваффақиятларимизни катта галабамиз деб ҳисоблайман. Бундан тўққиз йил олдин ҳатто хаёлимизга келмаган техника-технологиялар бугунги кунда янгилик бўлмай қолди. Мен замонавий компьютерда ишлашим боис, Ўзбекистоннинг технология соҳасидаги ютуқларига эътибор берарман. Қаерга қараманг, сунги марказдаги техника, компьютер ускуналарини.

Ўзбек ўғлони истиқлол боис жаҳон билан бахslashмоқда. Мен мустақиллик шарофати билан Индонезияда хизмат сафаридан булдим. У

ердаги ҳамкорлар фаолияти билан яқиндан танишиш менга жуда катта мадад бўлди.

Шахсий ҳаётимдаги катта узгаришларни бевосита истиқлол билан боғлайман.

Инсон ҳеч қачон қилган ишидан, босиб ўтган йўлидан кунгли тўлмаган. Табиатан тиниб-тиничмаган одамман. Ишларимдан, рости, ҳеч қониқмайман. Ҳамкасбларимга, телекоммуникация соҳасида бўлаётган узгаришларга қараб яйраб кетаман. Ва баногоҳ узимнинг кўп нарсалар қилишим мумкинлигини англаб етаман. Шунда барча турмуш ташвишларига қўл силтаб, янада самаралироқ ишлаш керак деган хулосага келаман.

Улугбек ЭШМУРОВО,
Самарқанд шаҳар ва шаҳарлараро телефон-телеграф станцияси компьютер ҳисоблаш техникаси ва автоматлашган бошқарув тизими бошлиғи

МУСТАҚИЛЛИК — МАСЪУЛИЯТ ДЕМАҚДИР

Мустақиллик нима берди, деган саволга мен «Мустақиллик ўзбек халқида эркинлик берди. Куринмас кишанлар парчаланди» дея жавоб берарман. Хуллас, ҳозир мустақиллик нима берганини ёш бола ҳам ўз кўзи билан куриб турибди. Ҳар бир Ўзбекистон фуқароси мустақил ёш Ватанининг гуллаб-яшнаши учун курашмоқда.

Юртбошимиз И. Каримов мустақил юртни авайлаб асрашга даъват этдилар. Мустақилликни мустақамлаш менинг бош мақсадимга айланди. Шу йўлда из-

ландим. Ватан душманларига узимнинг ҳалол меҳнатларим билан жавоб беришга интилдим. Шукроналар булсинким, юртим тобора оёққа турди. Жаҳондаги энг ривожланган давлатлар билан алоқалар урнатилди. Қолаверса, улар бизга ҳавас билан қарамолдалар. Демак, мен ўз мақсадимга эришяпман. Шу осойишта юртда одамларга хизмат қилаётганимдан фخرланаман.

Мустақиллик — масъулият демақдир. Бугунги озод ва фаровон ҳаётни ота-боболаримиз

орзу қилишган. Шу кунларга етиш учун курашганлар. Демак, мустақилликни мустақамлаш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир. Бунинг учун ҳар биримиз мен бугун Ватанимга, халқимга нима бераялман, мустақилликни мустақамлашга қандай ҳисса қўшаёяман, дея ўз-ўзимизга ҳисоб беришимиз керак.

Одилжон КАРИМОВ,
«Наманган почтаси» ХЖнинг Норин филиали Норинкапа алоқа бўлими бошлиғи

ИСТИҚЛОЛ ИМКОНИЯТЛАРИ

Ота-боболаримизнинг асрий орзуси булган мустақилликни қўлга киритганимизга тўққиз йил тўлди. Биз бу қисқа фурсат ичида салмоқли ютуқларга эришдик. Жумладан, Ўзбекистон деган юртни бутун дунё таниди. Эндиликда турли мамлакатлардан

саёҳатчилар юртимизнинг урф-одатлари, маданияти, буюк обидаларини қизиқиш билан ўрганмоқдалар.

Истиқлол бизга кенг имкониятлар эшигини очди. Буни ҳар биримиз қалбдан сезиб туришимиз. Бизнинг вази-фамиз — аъло баҳодуларга ўқиб, берилаётган имкониятлардан

унумли фойдаланишдир.

Биз — булажак алоқачиларнинг эзгу орзуси — келажақда мустақил Ўзбекистонимизнинг гуллаб-яшнашига ўз ҳиссамизни қўшишдир.

Рустам СУЛАЙМОНОВ,
Тошкент электротехника алоқа институти талабаси

МУНОСИБ ТАҚДИРЛАНДИЛАР

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг тўққиз йиллиги муносабати билан алоқа соҳасидаги кўп йиллик ҳалол ва самарали меҳнатлари учун бир гуруҳ алоқа ходимлари муносиб тақдирландилар.

Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги Бош директорининг буйруғига кўра, Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги Бош директори **Фатхулла Саъдуллаевич АБДУЛЛАЕВ**, Шаҳарлараро алоқа ва телевидение худудий ишлаб чиқариш бирлашмаси 2-ШАТБ кабелчи пайвандловчиси **Олимжон Салохитдинович АБДУРАҲМОНОВ**, Тошкент электротехника алоқа институти радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение факультети декани **Омонжон АБДУАЗИЗОВ**, «Саноаталоқа» ҳиссдорлик жамияти бош директори **Рустам Гофурович ВАЛИЕВ**, Қорақалпоғистон Республикаси ДЭАИМК Нукус шаҳар электралоқа тармоғи энергоцех бошлиғи **Анатолий Борисович ТАЛБЕКОВ**, Тошкент шаҳар телефон тармоғи ХЖ Марказий филиали директори **Нигматилла Курбонович СУЛТОНОВ**, «Фаргона Телеком» ХЖ Қўқон филиали шаҳар телефон тармоқлари цехи бошлиғи **Эржабой Парикович РАЖАБОВ**, Тошкент телеграф-телефон станцияси ЛАЦ бошлиғининг ўринбосари **Султонмурод Рихсиевич ШУКУРОВ**, Андижон телерадио узатиш маркази бошлиғи **Абдумухтор Бекирович КОДИРОВ**, Агентликнинг ишлар бошқармаси бошлиғи **Шокир Тойирович ТОЙИРОВ**, «Ўзбекистон почтаси» ДАК бош директори ўринбосари **Абдусаттор Абдураҳмонович ОРТИҚОВ**, «Наманган почтаси» ХЖ Янгиқўрғон филиали директори **Ўрмонжон Мўминов**, «Самарқанд почтаси» ХЖ бош директори **Аминжон Гофорович ГОФОРОВ**, «Наманган Телеком» ХЖ Косонсой филиали директори **Зокиржон Музаффарович ҚАЛАНДАРОВ**, «Ўздунробита» қўшма корхонаси тижорат бўйича директори ўринбосари **Андрей Михайлович ШЕГАЙ**, Тошкент электротехника алоқа институти телекоммуникация тармоқлари ва коммутация тизимлари факультети декани **Михаил Сергеевич ШАШКОВ**ларга агентликнинг «МОҲИР АЛОҚАЧИ» фахрий унвони берилди. Шунингдек, бир гуруҳ алоқачилар «ФАХРИЙ ЁРЛИҚ» ва «ЎЗ КАСБИНИНГ УСТАСИ» мукофотлари билан тақдирландилар.

Мукофотлар муборак, азиз алоқачилар!

Сурхондарё вилоятининг Тожикистон Республикаси билан чегарадош худудларида булиб ўтаётган ноҳус воқеалар халқимизнинг осойишталигини бузди. Ушбу воқеалар хусусида Андижон вилоят иктисослаштирилган акциядорлик-тижорат «Алоқабанк» филиали ходимларининг

ХАЛҚ БИЛАН ОЛИШИБ БЎЛМАЙДИ

йигилиши булиб ўтди. Унда филиал бошлиғи Ш. Бобожаонов сўзга чиқди. У юртимиз тинчлигини, ободлигини, халқимизнинг кутаринки руҳини қўрқолмаётган бу газандалар улим жазосига гирифтор, мурдалари итдек хору-зор булажанин куйиниб гапирди.

Шундан сунг корхона хизматчилари М. Аюпова ва А. Болтабоевлар сўзга чиқиб, ушбу воқеаларга ўз муносабатларини билдиришди. Улар ёш ҳарбий йигитларимизнинг бевақт туқилган қони, оналарнинг фарёди, оталарнинг унсиз йигиси ва миллионлаб одамларнинг қарғиши уларнинг куймаслигини таъкидлашди.

Ўз мухбиримиз

ВАТАН СОТИЛМАЙДИ

Сурхондарё вилоятининг Узун ва Сароисё туманларида содир бўлаётган воқеалар Навоий давлат электралоқа ишлаб чиқариш корхонаси ишчи-ходимларини ҳам бефарқ қолдиргани йўқ. Шу воқеа муносабати билан корхонада йиғилиш бўлиб ўтди. Унда корхона бошлиғи Б. Тунгибоев сўзга чиқиб, бу қабих ниятли кимсаларнинг азиз ватанимизни оёқ ости қилиш, уни диний экстремистик худудга айлантириш каби ниятларини қаттиқ қора-

лади.

Йиғилишда террорчилар билан булган тўқнашуларда шахид кетган аскар йигитларимизнинг қаҳрамонликлари унутилмаслиги айтилиб, уларнинг жасоратлари ёшларга ўрнак эканлиги таъкидланди. Сўзга чиққанлар ватанин ҳеч кимга бериб қўймасликларини, уни асраб-авайлаш учун ўз иш жойларида тартиб-интизом ўрнатиш лозимлигини айтиб ўтишди.

Ўз мухбиримиз

ЯНГИ КАФЕДРА ИСТИҚБОЛЛАРИ

Тошкент электротехника алоқа институтида малакали мутахассислар тайёрлаш мақсадида янги ўқув курслари ташкил этилмоқда. Олий ўқув юртининг иқтисодиёт факультетида менежмент ва маркетинг кафедрасининг очилиши нур устига аъло нур бўлди.

Давлат таълим андозалари ва янги ўқув дастури доирасида амалга оширилган бу янгилик бугунги бозор иқтисодиёти шароитида мутахассисларни ўқитиб этиштиришда муҳим омил бўлади.

Кафедра ўқитишининг узига хос йўналишига хизмат қиладиган замонавий ўқув дастурини ҳам яратди. Ушбу дастур бўйича «Тадбиркорлик ва кичик бизнес асос-

лари», «Инвестицион лойиҳалар таҳлили» каби фанлар бўйича ҳам машғулотларни йўлга қўймоқда. Шу соҳа мутахассислари андозалар бўйича республика маркетинг тадқиқотлар марказига ишга юборилади.

Ҳозир кафедрада магистратура очилган тадбирларни қўрилмоқда. Шу йўналишда илмий ишлар ҳам ташкил этилади.

Таълимий ишларни бугунги кун талаблари асосида ташкил этиш мақсадида кафедра ўқитувчиларидан бир гуруҳи яқинда Бельгияда бўлиб қайтди. Ушбу илмий сафар чоғида орттирилган бой тажриба кафедра ўқув жараёнига татбиқ қилинади.

А. АЛИЕВ

ТУРНИР ЯКУНЛАНДИ

Республикаимиз Мустақиллигининг 9 йиллигига бағишлаб Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги ва Республика алоқа ходимлари касаба уюшмаси Марказий Кўмитасининг кучма кубоги учун Тошкент шаҳар алоқа корхоналари уртасида мини футбол бўйича ўтказилган турнир ниҳоясига етди.

Турнирда 15 та футбол жамоаси ва 150 дан зиёд футболчи иштирок этди. Жамоалар икки гуруҳга бўлиниб, узаро беллашдилар. 1, 2, 3, 4-уринларни эгаллаган жамоалар чорак финал ўйинларига йўлланма олдилар. Турнир сунгида голиблар аниқланди. 3-4-уринлар учун «Ўздунробита» ва Давлат фельдегерлик хизмати (ДФХ) футболчилари тўп сурдилар. Уйинда ДФХ футболчилари 2:1 ҳисобида ғалаба қозонишди. Биринчи урин учун «Алоқабанк» ҳамда Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази (ФТМТМ) командалари узаро куч синашдилар. Ниҳоятда қизиқарли ва мурасасиз ўтган ўйин 5:3 ҳисобида алоқабанкчилар фойдасига ҳал бўлди.

Барча командалар турнирнинг ёпилиш тантанасида саф тортдилар. Футболчиларни Агентлик Бош директори, ташкилий кўмита раиси Ф. Абдуллаев, Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмаси марказий кўмитасининг раиси, ташкилий кўмита раисининг уринбосари Т. Назаржонов футболчилар ва иштирокчиларни табрикладилар.

Турнирнинг ташкилий ишлари ва футболчиларнинг чиройли ўйинларидан руҳланган Тошкент шаҳар те-



лефон тармоғи ҳиссадорлик жамияти бош директори С. Аъзамов футболчиларга, турнирга алоқадор бўлган кишиларга миннатдорчилик билдириб, Тошкент шаҳар телефон тармоғи корхонаси келаси мавсумда футболчиларга алоҳида футбол майдончаси совға этажигини айтди.

Голиблар ва совриндорларга эсдалик совғалари топширилди.

Мазкур турнирда «Энг яхши дарвозабон», «Энг яхши ҳимоячи», «Энг яхши ҳужумчи», «Моҳир тўп урар» каби совринлар қатори «Кучли ирода билан ғалабага интилувчи команда учун», «Энг уюшқоқ команда учун», «Турнирнинг энг яхши тренерига», «Ўйинчи — корхона раҳбари», «Энг катта ёшдаги иштирокчига», «Энг яхши ўйин ташкилотчиси», «Команданинг энг жонкуяр раҳбари», «Истиқболи порлоқ команда» каби совринлар ҳам урин олди ва ўз эгаларига топширилди. Ушбу совринларни шаҳар алоқа корхоналари ўз ташаббуслари билан таъсис этганликлари эътиборга моликдир. Совриндорларни аниқлаш ва тақдирлаш борасида ташкилий кўмитанинг зукко ва зийрак назаридан ҳеч ким ва ҳеч нарса четда қолмади.

Гап фақат совринда эмаслиги, энг муҳими — турнир алоқа корхоналарида спорт ишларининг ривожига ҳисса қўшишини, бу ерда дўстлар орттирилганини, турнир алоқа корхоналарини узаро жипслаштиришда катта роль ўйнаганлиги ҳақида 1, 2, 3, 4-уринларни эгаллаган «Алоқабанк», ФТМТМ, ДФХ ва «Ўздунробита» командалари сардорлари Ш. Умарқулов, С. Аширматов, Т. Дадабоев ва А. Караевлар ҳаяжонларини яшира олмай гапириб бердилар. Турнир барча иштирокчиларда унутилмас таассурот қолдирди.

Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ
Муаллиф суратга олган

ЎЗБЕКИСТОН — ИНДОНЕЗИЯ ҚЎШМА КОРХОНАСИ «ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ ИНТЕРНЕТШНА ҲИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИ» ВА УНИНГ «ЖИЗЗАХ ТЕЛЕКОМ», «САМАРҚАНД ТЕЛЕКОМ», «ҚАШҚАДАРЁ ТЕЛЕКОМ», «СУРХОНДАРЁ ТЕЛЕКОМ» ШЎЪБА КОРХОНАЛАРИ ЖАМОАЛАРИ

Ўзларининг қадрдон мижозларини, Ўзбекистон алоқачиларини ва барча юртдошларимизни Мустақиллик байрамининг 9 йиллиги муносабати билан самимий муборакбод этади!

Ушбу байрам ҳаммангизнинг оилангизга хуш-кайфият, тинчлик-тотувлик, хонадонингизга файзу барака олиб кирсин!

Мустақил Ўзбекистонимизнинг буюк келажигини бунёд этиш йўлидаги саъй-ҳаракатларингизга Сизларга омад ҳамиша ёр бўлишини тилаймиз!

Гўзал Ўзбекистонимиз озодлиги асрлар оша абадий бўлсин!

«ЎЗИ» ҚК ЖАМОАСИ

ТОШКЕНТ ЭЛЕКТРОТЕХНИКА АЛОҚА ИНСТИТУТИ ЖАМОАСИ

Ўзбекистон халқини, жумладан барча алоқачиларни энг муборак байраминиз — Ватанимиз Мустақиллигининг тўққиз йиллиги билан қизгин муборакбод этади.

Истиқлол йўлидан қадим оқимлаётган Ўзбекистон Республикаси қисқа фурсатда жаҳон ҳамжамиятидан мустақкам ўрин олди. Республикаимиздан кўплаб талабалар хорижий мамлакатларга бориб таълим олишмоқда. Мустақиллик шарофати тўфрайли ана шундай илқониятга эга бўлдиқ. Хизр назари тўшган бۇ юртда тинчлик, барқарорлик абадий бўлсин!

ТОШКЕНТ ЭЛЕКТРОТЕХНИКА АЛОҚА ИНСТИТУТИ



ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ «АЛОҚАБАНК» ЖАМОАСИ



Ўзбекистон халқини, жумладан барча алоқачиларни, ўз акциядорлари ва мижозларини энг азиз, энг улуг, энг муборак байрамимиз – Ватанимиз мустақиллигининг 9 йиллиги билан қизгин муборакбод этади!

Истиқлол йўлидан дадил одимлаётган Ўзбекистон Республикаси қисқа фурсатда жаҳон ҳамжамиятидан мустаҳкам ўрин олди. Мустақиллик шарофати тусфайли катта имкониятларга эга бўлди. Табаррук бу юртда тинчлик, барқарорлик абадий бўлсин!

Юртимиз ҳамиша тинч, обод бўлиб, ҳар бир хонадондан бахт, шодлик, фаровонлик аримасин!

«АЛОҚАБАНК»

ПОЙТАХТ ПОЧТАЧИЛАРИНИНГ РЕСПУБЛИКА ПОЧТА ХОДИМЛАРИГА ТАБРИГИ



ҲУРМАТЛИ КАСБДОШЛАР!



Меҳнаткаш халқимиз, шу жумладан почта алоқаси ходимлари юртимиз Мустақиллигининг тўққиз йиллик байрамини муносиб соғалар билан кутиб олишди. Бизнинг аҳил жамоа жорий йилнинг биринчи ярим йиллик даромад кўрсаткичларини ортиғи билан вазариб, юртимиз раўнақига ўз ҳиссасини қўшди.

Азизлар! Корхонангизга ҳамиша зафарлар ёр бўлаверсин. Сизларга сиҳат-саломатлик, ишларингизда муваффақиятлар тилаймиз. Барчангизга Мустақиллик байрами муборак бўлсин!

«ТОШКЕНТ ПОЧТАМТИ» ҲЖ

ТОШКЕНТ ТЕЛЕГРАФ-ТЕЛЕФОН СТАНЦИЯСИ ЖАМОАСИ

Юртдошларимизни улуғ байрам — Истиқлолимизнинг тўққиз йиллиги билан самимий табриклайди.

Мустақиллигимиз туфайли юртимиз тобора ободонлашиб, кўрку чирой очмоқда. Бу албатта тўғри йўлга қўйилган ислохотларимиз самарасидир. Истиқлол шарофати ила соҳамиз тобора ривожланиб бормоқда. Биз халқимизга хизмат қилаётганимиздан бахтиёрмиз!

Ўзбекистонимизда ҳамиша тинчлик, осойишталик бўлишини, халқимиз бахтиёр ва фаровон турмуш кечиршини тилаймиз.

ТОШКЕНТ ТЕЛЕГРАФ-ТЕЛЕФОН СТАНЦИЯСИ

«МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ» ҲИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

Ўзбекистон халқини, барча алоқачиларни Республикамиз мустақиллигининг тўққиз йиллик байрами билан муборакбод этади.

Истиқлол йиллари мамлакатимизда улкан ўзгаришлар юз берди. Бу узоқни кўзлаб амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар самарасидир!

Бизнинг корхонамиз ана шу мустақиллик мевасидир! Маънавиятга, маърифатга ҳисса қўшаётганимиздан хурсандмиз.

Юртимиз ҳамиша тинч-осойишта, осмонимиз беғубор бўлишини, фуқароларимиз бахтиёр ва фаровон турмуш кечиршини тилаймиз!

«Матбуот тарқатувчи» ХЖ

«COSCOM» ҚЎШМА КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

Ўзбекистон халқини ва ўз мижозларини республикамиз мустақиллигининг тўққиз йиллиги билан қизғин табриклайди.

Тўққиз йил ичига мамлакатимиз жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрнига эга бўлди. Истиқлол йилларида республикамизда ўнлаб қўшма корхоналар ташкил этилди. Бизнинг корхонамиз ана шу Мустақиллик мевасидир. Биз мамлакатимиз аҳолисига уяли алоқа хизмати кўрсатаётганимиздан беҳад хурсандмиз.

Республикамизда яшаётган ҳар бир фуқарога тинчлик, соғлиқ тилаймиз. Юртимиз янада гуллаб-яшнасин.

«COSCOM» ҚЎШМА КОРХОНАСИ

«САМАРҚАНД ТЕЛЕКОМ» ШЎЪБА КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

Юртдошларимизни улуғ байрамимиз —

Мустақилликнинг тўққиз йиллиги билан самимий муборакбод этади.

Оилангизга бахт-саодат, дастурхонингизга қутбарака тилайди!

Эрк қуёши бошимизда мангу порлайверсин!

Байрамингиз қутлуғ бўлсин, азиз Ватандошлар!

«САМАРҚАНД ТЕЛЕКОМ» ШЎЪБА КОРХОНАСИ

ЭЛЕКТРОМАГНИТ МОСЛАШУВ МАРКАЗИ ЖАМОАСИ

Республикамиз аҳолисини, барча алоқабилларни истиқлол байрамининг тўққиз йиллиги билан қўشлайди.

Шўққиз йил илнда мамлакатимизда катта ўзгаришлар бўлди. Бу узокки кўзлаб амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар самарасидир.

Биз халқимизга хизмат кўрсатаётганимиздан беҳад хурсандимиз. Юртимиз ҳамisha шини бўлишини, ҳар бир фуқаро осойишта, бахтиёр ва фаровон турмуш келиришини тилаймиз.

ЭЛЕКТРОМАГНИТ МОСЛАШУВ МАРКАЗИ

ТОШКЕНТ РАДИОСИ ЖАМОАСИ

Ўзбекистон халқини, барча радио тингловчиларни Мустақиллик байрамининг тўққиз йиллиги билан самимий табриклайди.

Мамлакатимиздаги улкан ўзгаришлар даврида халқимизга радио хизмати кўрсатаётганимиздан бахтиёрмиз.

Ниятимиз — юртимизнинг ҳар бир гўшасида тинчлик, осойишталик бўлсин.

ТОШКЕНТ РАДИОСИ

ТОШКЕНТ ТАКСОФОНИ ЖАМОАСИ

Ўзбекистон халқини, жумладан барча алоқачиларни энг азиз байрамимиз — Ватанимиз Мустақиллигининг тўққиз йиллиги билан қизғин табриклайди.

Истиқлол йўлидан дадил одимлаётган Ўзбекистон

Республикаси қисқа фурсатда жаҳон ҳамжамиятидан мустаҳкам ўрин олди. Республикада кўплав замонавий таксофонлар қурилмоқда. Буларнинг барчаси Мустақиллик тўрайлидир. Ҳар бир хонадонга қут-варақа, юртимизга тинчлик, барқарорлик тилаймиз.

ТОШКЕНТ ТАКСОФОНИ

ШАҲАРЛАРАРО ВА ХАЛҚАРО АЛОҚА ТАРМОҚЛАРИНИ БОШҚАРИШ МАРКАЗИ ЖАМОАСИ

Республикамизнинг турли ҳудудларида меҳнат қилаётган алоқабилларни мустақиллик байрамининг тўққиз йиллиги билан табриклайди.

Мамлакатимизнинг гуллаб-яшнаши ушун меҳнат қилаётган ҳар бир фуқарога сўхат-саломатлик, шлариди муваффақиятлар тилайди.

Юртимиз шини, ватанимиз обод бўлсин!

ШХАТБМ

ОЗОДЛИК ҚАДРИ

Ривоят қилишларича, юнон масалчаси Эзоп асли фригиялик қул бўлиб, умрининг сўнггида озодлик олган. Эзоп озодликка чиқиш учун умр бўйи ҳаракат қилиб, ниҳоят хўжайинидан озодлик васиқасини олади. Аммо хўжайиннинг хизматчиларидан бири Эзопни кеткизмаслик учун унинг тўрвасига хўжайиннинг қимматбаҳо буюмларидан бир-иккитасини яшириқча солиб қўяди. Бундан беҳабар бўлган Эзоп озодлик васиқасини чўнтагига солиб, юк-тўрвасини елкасига олиб, ҳамма билан видолашиб ўз юртига кетиш учун йўлга тушади. Хиёл ўтмай икки киши Эзопни банди қилиб, хўжайиннинг уйига олиб келадилар. Улар унинг тўрвасидан икки дона олтин қадахни олиб, хўжайинга кўрсатадилар. Хўжайин мазкур қадахлар шу хонадоннинг мулки эканлигига иқрор бўлади. Улар Эзопнинг шахси ҳақида сўраганларида хўжайин Эзопнинг собиқ қул эканлиги, лекин унга кечагина озодлик васиқасини бериб, қулликдан озод қилганини айтиди ва Эзопни қўйиб юборишларини сўрайди. Бунга жавобан давлат кишилари қуйидагича изоҳ берадилар.

— Агар Эзоп ҳозир ҳам сизнинг қулнингиз бўлганда эди, у ҳолда уни сизга топшириб кетган бўларди. Бироқ у озод фуқаро экан. Мамлакатда жорий қилинган қонунга

мувофиқ озод фуқаро ўғрилиқ қилса ўлимга маҳкумдир. Хўжайин кўп иштиқолар қилиб, Эзопни улар қўлидан олиб қолишга ҳаракат қилади. Шундан сўнг давлат кишилари қуйидаги шартни ўртага қўядилар:

Агар айбланувчи Эзоп озодликдан воз кечиб, яна қул бўлиб хизматингизга қайтса, у ҳолда уни сизга топшириб кетамиз, акс ҳолда у озод шахс бўла туриб ўғрилиқ қилгани учун ўлимга маҳкумдир.

Хўжайин Эзопга қараб: «Қўлингдаги озодлик васиқангни йиртиб ташлагинда, аввалгидек қул бўлиб менинг хизматимда қол, шундай қилсанг, ўлимдан омон қоласан ва тинчгина яшайверсан» дейди. Эзоп уларнинг юзига тик боқиб:

— Йўқ, бунинг асло иложи йўқ, мен озодлик учун бутун умримни бағишладим, мен бугун ҳур ва озод инсонман, бирининг измида «тинч ва омон» яшашдан кўра, ҳур инсон бўлиб, озодликда ўлмоқ минг қарра афзалдир! Мен ўғри эмасман, аммо озод инсон сифатида жазога мустаҳиқ бўларканман, бу мен учун катта бахтдир. Мана мен тайёрман, олиб бориб ҳукми ижро этинглр! — дейди.

Эзопни ўлимга маҳкум этиб, қатл қиладилар.

МАНА ОЗОДЛИКНИНГ ҚАДРИ ҚИММАТИ! МАНА ОЗОД ИНСОННИНГ ОЗОДЛИККА БЎЛГАН ЭЪТИМОДИ!



ВАТАН ҲАҚИДА

Бегона юрт ватан бўла олмайди.

И. ГЁТЕ

Хар кимнинг қалбида ўз халқининг қиёфаси яшайди.

Г. ФРЕЙТАНГ

Шундай жиноят борки, уни оқлаб бўлмайди, бу — Ватанга хиёнатдир.

П. БУАСТ

Ким ўз юртини севмаса, у ҳеч кимни сева олмайди.

Ж. БАЙРОН

Ким ўз ватанига дахлдор бўлмаса, у инсониятга ҳам дахлдор эмас.

В. БЕЛИНСКИЙ

Ўз юртидан юз ўғирганлар ўз виждонларидан ҳам юз ўгирадилар.

Я. ГАЛАН

Ўз ватанига доғ тушириш — уни сотиш деган сўз.

В. ГЮГО

Ватанга хиёнат қилмоқ учун қалбан гоётда тубан бўлмоқ керак.

Н. ЧЕРНИШЕВСКИЙ

Энг мақбул фазилат — ватанга ва одамзодга кўрсатилган хизмат.

Ж. ДЕЛИЛЬ

• Мерос

Юсуф ТОВАСЛИЙ

НИЛ ДАРЁСИГА ЁЗИЛГАН МАКТУБ

Ҳазрат Умар (Р.А) аҳли мумин халифаси, Миср валийлигига Амр бин Осни тайинлади.

Мисрда ёмон бир одат пайдо бўлган эди. Хар йили Нил наҳрига бир ёш қиз ташланарди. Амр бин Ос Мисрга келгач, халқ янги валийга муржаат қилиб:

— Ҳукмдор, Нил наҳрига хар йили бир қиз болани қурбонликка берамиз. Акс ҳолда Нил суви кўпаймайди,—деди.

—Келаётган ойда шу расми бажо айлашимиз шарт. Ота-онасига қул пул бериб, бир қизчани сотиб оламиз. Қизни ясангириб, кейин уни Нил дарёсига отамиз.

Вали:

—Бу ёмон одат. Исламда бунга урин йўқ. Энди бундай ботил ишлар бўлмайди,—деди.

Орадан бир ой ўтгач, бахтга қарши Нил суви қуриди. Халқ қурғоқчиликдан огир аҳволга тушиб қолди. Вали халифа Ҳазрат Умарга мактуб ёзди ва аҳволни билдирди. Ҳазрат Умар Валига жавобида: «Жуда яхши қилибсан, ёмон бир одатни тўзатибсан. Мен Нил наҳрига ёзган мактубни дарёга ташла», деб ёзди.

Вали Амр бин Ос Нилга ёзилган мактубни очиб ўқиди. Ушбу сузлар ёзилган эди:

«Умар бир Хаттобдан Мисрнинг Нил наҳрига. Эй Нил! Аввал жўшқин оқар эдинг,энди бўлса оқмаётган эмишсан. Аллоҳ учун аввал қандай оққан бўлсанг, шундай оқ, бўлмаса узингни бошингга оқсан (етасан)!»

Миср халқининг сенга эҳтиёжи йўқдир».

Вали Халифанинг мактубини Нишга отди. Эртаси куни қарасалар Нил эски одати бўйича тулганиб оқар эди.

Миср халқи ислом қуёши соясига бу ботил ишончлари, қабиҳ одатларидан қутулдилар.

МУҲАББАТ ЁШ ТАНЛАМАС

Буёқ шоир Гётени муҳаббат бобида «суяғи» йўқлардан бўлган дейишади. У ёш хотин-қизлар билан мулоқотда бўлишни ҳўш қураркан. Айни пайтда киборлар даврасидаги ўт қарашли ва жуда содда аёллар ҳам маъқул бўлар экан. Шоир охириги марта 75 ёшда 18 ёшли қизни севиб қолди. Ульрике Леецова деган бу қиз ҳам қарияга шундай муҳаббат қўйган эдики, унинг ҳар қандай инжиқликларини кўтаришга ҳам тайёр эди. Шу боисдан қизча шоир билан тезроқ никоҳ ўқитилишига розилик билдирди. Улуғ Герцег Карл Август уларни никоҳлаб қўйишга ҳам тайёр эди, аммо киборларга хос улаомлар бундай никоҳни нотабиий, деб баҳоладилар. Шоир эса жаҳл билан никоҳни тўхтатди. Гёте умрининг охиригача танҳо ўтди. Ульрике эса 96 йил яшаган бўлса-да, турмуш қурмади.

ЯНГИ ЛАТИФАЛАР

Духтир беморга деди:

— Негадир Сизга ташхис қўелмаяпман. Сезишимча, бу ичкилик оқибати бўлса керак.

— Сизни тушунаман, духтиржон, майли мен бошқа сарфар — ҳушерроқ пайтингизда келарман.

— Хотиним уззу-кун «Пул бер! Пул бер!» дея жонимга тегади.

— Хуш, унга пул нима учун керак экан?

— Билмайман, ҳали унга бирон марта пул бермаганман!

Уйга гирт маст келган эр остонадан бақирди:

— Хотин, қани сукишингни бошла, бўлмаса караватимни тополмаяпман!

— Баракалло! Иккала қизингни ҳам эрга бериб, қарзингдан қутулдинг.

— Тугри, аммо мана бу хотинимни бир ёқли қилолмай гарангман.

Эр балиқ овидан ўлжасиз қайтди. Хотини суради:

— Балиқ қаерда?

— Қаерда буларди — дарёда-да.

Эртаси куни эр ишдан келиб, столга утиргач, хотинидан суради:

— Овқат қаерда?

— Қаерда буларди — ошхонада-да!

МУАССИС:
Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги

Бош муҳаррир:
Шодмон ОТАБЕК

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Шомансур ОБИДХЎЖАЕВ
Шухрат ЖАББОР
Анатолий КУДИНОВ
Иззат АХМЕДОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Абдугани АБДУРАҲМОНОВ
(Масъул котиб)
Мирпўлат МИРЗО
Рустам ҚОСИМОВ
Қуролбой ТЎЛЕБОВ
Ёкубжон ХЎЖАМБЕРДИ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:
Саидмахмуд АКБАРОВ
Шохруҳ АКБАРОВ
Ортиқбой АБДУЛЛАЕВ
Меҳмонкул ИСЛОМУЛОВ
Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ
Бобохон ШАРИФ

МАНЗИЛИМИЗ: 700000
Тошкент-35, А. Толстой кўчаси, 1.



ТЕЛЕФОНИМИЗ:
136-36-42, 136-35-29,
144-29-09.
Факс: 136-36-42.
ИНДЕКС: 64600
ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Тахририятга келган қўлёзмалар (2 ораликда, 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди. Мақолалардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар зиммасидадир.

Рўйхатга олиш № 00011.

Буюртма № Г-842.
5788 нусхада чоп этилди.

Офсет усулида босилди.

Бичими А-3, ҳажми 1 босма табоқ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ БОСМАХОНАСИ.
Корхона манзили:
Буёқ Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топширилди — 19.00

Босишга топшириш вақти — 18.00

1 2 3 4 5 6